

## ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ «ИККИ ЭШИК ОРАСИ» РОМАНИДАГИ ТАОМ НОМЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛЕКСИК- СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Усмонова Одина Сиддиковна

АДУ катта ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7187701>

**Аннотация:** Ўткир Ҳошимов асарларидаги лексик бирликлар тасвирланаётган давр кишиларининг ижтимоий аҳволи ҳақида энг ҳаққоний хулосани бера олади. Ана шундай лексик бирликлардан бири бўлган таом номлари адибнинг «Икки эшик ораси» романида кўп қўлланилган. Ушбу мақолада «Икки эшик ораси» романидаги таом номларини ифодаловчи лексик бирликлар лексик-семантик жиҳатдан мавзуй гуруҳларга ажратилиб тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи, этнографизм, лексик бирликлар, таом номлари, лексик-семантик, метафора.

## ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ, РЕПРЕЗЕНТИРУЮЩИХ НАЗВАНИЯ БЛЮД В РОМАНЕ УТКИРА ХОШИМОВА «МЕЖ ДВУХ ДВЕРЕЙ»

**Аннотация:** Лексические единицы в произведениях Уткира Хошимова могут дать наиболее точное заключение о социальном статусе людей описываемого периода. Названия блюд одна из таких лексических единиц часто используются в романе «Меж двух дверей». В данной статье исследуются лексические единицы, репрезентирующие названия блюд в романе «Меж двух дверей» лексико-семантически разделенные на тематические группы.

**Ключевые слова:** Роман Уткира Хошимова «Меж двух дверей», этнографизм, лексические единицы, названия блюд, лексико-семантический, метафора.

## LEXICAL-SEMANTIC FEATURES OF LEXICAL UNITS REPRESENTING DISHES NAMES IN UTKIR KHOSHIMOV'S NOVEL «BETWEEN TWO GATES»

**Abstract:** The lexical units in the works of Utkir Khoshimov can give the most accurate conclusion about the social status of the people of the period described. The names of dishes, one of such lexical units are often used in the author's novel «Between two gates». In this article the lexical units representing the names of dishes in the novel «Between two gates» are studied lexico-semanticly divided into thematic groups.

**Key words:** Utkir Khoshimov's novel «Between two gates», ethnographism, lexical units, dish names, lexical-semantic, metaphor.

### КИРИШ

Ҳар бир бадий асарда даврни тасвирловчи далиллар, ўша даврга хос бўлган этнографизмлар қўлланади. Ана шундай этнографизмлардан бири бу - таом номлари.

Бадий адабиётдаги таом номлари муайян бир миллат вакилларининг маданияти, турмуш тарзи, анъанаси, дунёқараши ва маънавияти ҳақида ёрқин тасаввур берувчи лексик бирликлар ҳисобланади.

Ўткир Ҳошимов асарлари бадий гўзаллиги, мавзунинг долзарблиги, асар воқеаларининг қизиқарлилиги билан бирга миллий характер яратиш маҳоратининг кучлилиги, тилининг равонлиги, образларининг жонлилиги билан ажралиб туради. Ёзувчи асарларидаги лексик бирликлар тасвирланаётган давр кишиларининг ижтимоий аҳволи

хақида энг ҳаққоний хулосани бера олади. Ана шундай лексик бирликлардан бири бўлган таом номларини адибнинг «Икки эшик ораси» романида мисолида кўриб чиқамиз.

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида таом номларининг ифодаловчи лексик бирликлар кўп қўлланилган. Уларни дастлаб қуйидагича лексик-семантик гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

- I. Қандай маҳсулотлардан тайёрланишига кўра аталган таом номлари.
- II. Ширинлик ва қандолат маҳсулотлари номлари.
- III. Халқ маросимлари билан боғлиқ бўлган таом номлари.

Биринчи гуруҳ таом номлари овқатлар қандай маҳсулотдан тайёрланиши қараб яна олти гуруҳга ажратилди:

1. Ун ёки хамирдан тайёрланадиган таом номлари.
2. Дон маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номлари.
3. Гўшт ва ёғдан тайёрланадиган таом номлари.
4. Сут маҳсулотлари ва улардан тайёрланадиган таом номлари.
5. Мевалардан тайёрланадиган таом номлари.
6. Сабзавотлардан тайёрланадиган таом номлари.

1. Ун ёки хамирдан тайёрланадиган таом номлари. Ўзбек пазандачилигида ун ва хамирдан (қандай ундан тайёрланишидан қатъий назар – буғдой, арпа, тарик ва ҳ.к. хамирлар назарда тутилади) тайёрланадиган таомлар хилма-хилдир. Масалан, ундан тайёрланадиган таом номлари: атала; нон маҳсулотлари номлари: нон, патир, жиззали патир, кулча, арпа нон, зоғора нон, қатлама, бўғирсоқ; хамир ичига масаллик солиб тайёрланадиган таом номлари: чучвара, қовурма чучвара; хамирли суюқ таом номлари: лағмон, чўзма лағмон.

Масалан: Бир бурда арпа нон, тўртта жийда билан чой ичиб бўлгунича дадам кавшандозда ўтириб этигини кийди. (17)

Иккаламиз Кимсан акамга атаб патир ёпдик, бўғирсоқ пиширдик. (104)

«Қора аммам» тандирга шўнғиркан, сават бурчагидаги турган жажжи кулчага имо килди. (29)

Пастак девор ортидаги тандирдан зоғора нон ҳиди анқийди. (175)

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида нон лексемаси бир неча маъноларда қўлланилган:

1. Таом маъносида: Димоғимга нон иси урилиб, оғзим сув очиб кетди. (29)

2. Қарғиш сўз маъносида: Нон урсин! Кутмасам, нон кўр қилсин, Кимсан ака! (102)

3. Мифологик маънода: - Халойиқ! Деди овози тираб. – Дунёда нондан табаррук нарса йўқ! Нондан юз ўгирган имондан юз ўгиради. Ке, ўғлим, тишла! – У патирнинг икки четидан тутиб турди. Кимсан акам хиёл эгилиб бир чеккасини тишлади. – Баракалла, - деди Оқсоқол. Туз-насибанг узилмасин! Илоҳи омин! (106)

Тушликка ҳар кунгидай атала қилишган экан. (276)

Асарда атала лексемаси метафора тарзида ҳам қўлланилган: Ҳаво илик, оёқ остида аталадек сарғимтил қор пилчиллар, юпун кийинган болалар у ёқ бу ёққа югурар, чоллар, хотин-халаж – ҳамманинг кўзида қандайдир сирли ҳаяжон бор эди. (191)

Патнисда қовурма чучвара, қатлама бор эди. (117)

Ойим чучвара тугар эди. (486)

Асарда чучвара лексемаси фразеологизм сифатида қўлланилган: Чучварани хом санабсан, Оқсоқол! Сен шохида юрсанг, мен баргида юраман! (232)

Башор опаниям, мениям қийма тахтага тортиб чучвара қилиб тугиб ташлайди! (291)

2. Дон маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номлари. Бу таомларга гуруч, буғдой, жўхори, тариқ, мош ва ловиялардан тайёрланадиган таом номларини киритиш мумкин. Гуручдан тайёрланадиган таом номларига: ош, палов, кўғирма палов, ток оши, шавла; буғдойдан тайёрланадиган таом номлари: бўза; жўхоридан тайёрланадиган таом номлари: гўжа, жўхори кабоб, жўхори кўмма; дуккакли экинлар ловия, мош, нўхатлардан тайёрланадиган таом номлари: мошкиричи, мохора, мошхўрда. Масалан: Ана, жўралари билан айвонда чордана куриб ош еяпти. (104) Ўз кўлим билан ток оши қилиб берай деб барг обкелдим. (446)

Асарда ош лексемаси синонимик тарзида ҳам қўлланилган: Чиндан ҳам дадам ўз кўли билан ош дамлади. Ҳақиқий қовурма палов! (421)

Илҳом чойхоначи бўза қуйилаётган косани олиб, ими-жимиди уйга кириб кетди. (119)

Нимқоронғилик чўккан, ҳавода жўхори кабоб ҳиди келарди. Қаёқдан келяпти бу хид? Оқсоқол буваникидан шекилли. Менам аммамга кўмма қиберинг десам бўларкан. Жўхори кўмма зўр! (31)

Шундай қилиб, нон ёпгим келди-ю, чолимнинг гапи эсимга тушиб шаштимдан қайтдим. Яхшиси, гўжа пишираман! (156)

Кечкурун Роби опам шавла қилди. Гармдорини эзиб-эзиб шавла еётган дадамга эркалик қилдим. (126)

Аммам инқиллаб ярим коса мошкичири иситиб кирди. (401)

Анчадан кейин икки коса мошхўрда сузиб келди. (508)

... Бу сафар Абдувалининг онаси шўрва эмас, мохора пиширди. (121)

3. Гўшт ва ёғдан тайёрланадиган таом номлари. Асарда гўшт маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номларидан биргина кабобни учратишимиз мумкин: Кимсан акам иккаламиз кабоб еб, «зилдирский» сув ичдик. (92-бет)

4. Сут маҳсулотлари ва улардан тайёрланадиган таом номлари. Асарда сут маҳсулотларидан тайёрланадиган таом номларидан сут, ширгуруч, сариёғ, қатик ва қурут келтирилган: Шу куни ойим оқликка қўни-қўшнининг оғзи тегсин деб етти эшикка сут улашди. Кечки овқатга ҳат ширгуруч қилдик. (81)

Асарда келтирилган сут лексемаси таом маъносидан ташқари метафорик тарзида ҳам қўлланилган: Кетма-кет чақмоқ чақиб, пастак деразалардан, эшикдан отилиб кирган нур уй ичини сутдек ёритиб юборди. (206)

- Қурут! – деди ойим тантана билан. – Галанска сигирнинг қатиғидан. (150)

Асарда келтирилган сариёғ лексемаси таом маъносида эмас, метафорик маънода қўлланилган: Бобом ишни кўзини билади. Худди сариёғ кескандек, кетмонни авайлаб ташлайди. Биттаям картошкага зарар етказмайди. (138)

5. Мевалардан тайёрланадиган таом номлари. Асарда мевалардан тайёрланган таом номларидан шинни ва мусаллас келтирилган:

Кузда одамлардан узум олиб, мусаллас солади. (82)

-Чақалоқ бечора кўрқиб, шайтонлаб-нетиб юрмасин! Шиннингни еявер! (194)

6. Сабзавотлардан тайёрланадиган таом номлари. Асарда бундай таом номларидан карам шўрва, қайнатма шўрма, исмалоқ сомса, кўк сомса, ковоқ сомса кабилар келтирилган: Армияда карам шўрва беради, дейишади. (145)

Зухра келиннинг қўлида товоқ, исмалоқ сомса обчиқибди. (81)

Ойим сутли овқатдан кейин кўксомса ема, деб чирқиллаганига қарамай иккитасини мазза қилиб еб олдим. (81)

Ўзинг яхши боласан-ку! Юр, ковоқ сомса бераман! (126)

Ширинлик ва қандолат маҳсулотлари номлари. Асарда бундай таомлардан нишолда, попуққанд, хўрозқанд, ҳолва, майиз, туршак, каллақанд кабилар келтирилган: Хўрозқанд шимган болалар, газсув дўкони олдида навбат кутиб турган шляпали кишилар, pista чаққан олифта хотинлар. (91)

Пешинга яқин Оқсоқолникидан тўй келди. Ярим қоп гуруч, бир чирпит ёғ, бир қоп ун. Седана сепилган ҳолва, майиз, каллақанд... (170)

Шундоқ ернинг ўзига ёйилган дастурхонларга нон, нишолда, туршак, жийда, попуққандлар қўйилди. (117)

Халк маросимлари билан боғлиқ бўлган таом номлари. Асарда бундай таом номларидан сумалак, «маълум оши» кабилар келтирилган: Бу қандай гап! Бу қандай адолатсизлик! Ҳалигина бизникида «маълум оши» бериб қувонган одамлар уйга кириши билан бошига тоғдек кулфат тушса! (187).

Ушбу гаптаги «маълум оши» ибораси унаштириш маросими сифатида қўлланилган.

Қувончлиси шу бўлдики, бир куни Холпош хола товоқда сумалак кўтариб чиқиб қолди. (249)

Асарда келтирилган сумалак лексемаси таом маъносидан ташқари метафорик тарзида ҳам қўлланилган: Эсимда, киш охирлаб, бостирманинг қамиш томидан сарик сумалак осилган куни мактабдан бошим оғриб қайтдим. (306)

Хулоса қилиб айтганда, Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романидаги таом номларининг лексик-семантик гуруҳлари ўз ичида хилма-хил турларга ва кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ўша таом номларининг қандай маҳсулотдан тайёрланиши ва бирор маросимга мўлжалланиши каби хусусиятларидан келиб чиққан.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Г.К.Одилова. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти (глюттоник дискурс мисолида). Филол.фанлари доктори ... дисс. – Тошкент, 2020. 93- бет

2. М.Р.Намозова. Ўткир Ҳошимовнинг иборалардан фойдаланиш маҳорати // НамДУ илмий ахборотномаси. -2020, №2. – Б.260.

3. Т.Тоғаев. Алишер Навоий асарлари тилидаги таом номлари // «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнал. 2019 №5. – Б.34.

4. Худаярова, М. Ўзбек тилидаги таом номларининг лингвистик таҳлили. Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент: 2008. Б.9.

5. Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. Роман. Тошкент: «Илм-зиё-заковат», 2019.